



ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ БЎЙИЧА БЎШ ПРОФЕССОР-ЎҚИТУВЧИ ХОДИМЛАР ТАРКИБИГА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИ:

Доцентлар:

Даволаш факультетига қарашли "Ички касалликлар пропедевтикаси, гематология" кафедраси
Даволаш факультетига қарашли "Хирургик касалликлари" кафедраси

Катта ўқитувчилар:

Малака ошириш факультетига қарашли "Тери-таносил касалликлари" кафедраси
Даволаш факультетига қарашли "Анестезиология ва реаниматология" кафедраси
Даволаш факультетига қарашли "Нерв касалликлари" кафедраси

Ассистентлар:

Малака ошириш факультетига қарашли "Травматология, ортопедия, ХДЖ ва нейро-жарроҳлик" кафедраси
Тиббий профилактика факультетига қарашли "Эпидемиология" кафедраси
Тиббий профилактика факультетига қарашли "Болалар, ўсмирлар ва овқатланиш гигиенаси" кафедраси
Тиббий профилактика факультетига қарашли "Микробиология" кафедраси
Тиббий профилактика факультетига қарашли "Тиббий

биологик кимё" кафедраси

Даволаш факультетига қарашли "Ички касалликлар пропедевтикаси, гематология" кафедраси

Даволаш факультетига қарашли "Умумий ва болалар жарроҳлиги" кафедраси

Даволаш факультетига қарашли "Факультет ва госпитал терапия №1" кафедраси

Даволаш факультетининг "Факультет ва госпитал жарроҳлиги" кафедраси

Даволаш факультетига қарашли "Анестезиология ва реаниматология" кафедраси

Даволаш факультетига қарашли "Кўз касалликлари" кафедраси

Даволаш факультетига қарашли "Нерв касалликлари" кафедраси

Даволаш факультетига қарашли "Болалар касалликлари №2" кафедраси

Даволаш факультетига қарашли "Ички касалликлар №2" кафедраси

Малака ошириш факультетининг "Ички касалликлар №1" кафедраси

Даволаш факультетига қарашли "Хирургик касалликлари" кафедраси

Даволаш факультетига қарашли "Акушер гинекология №2" кафедраси

Хужжатларни қабул қилиш муддати танлов эълон қилинган кундан бошлаб бир ой муддат ичида Тошкент Тиббиёт академияси ректоратининг девонхона бўлимига топширилади. Манзилимиз: Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2-уй.

Тошкент Тиббиёт академияси 2017 ўқув йили учун катта илмий ходим-изланувчилар институтига қуйидаги мутахассисликлар бўйича

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

14.00.19 – Клиник радиология (1 та ўрин)

14.00.18 – Психиатрия ва наркологиya (1 та ўрин)

14.00.07 – Гигиена (2 та ўрин)

14.00.15 – Патологик анатомия (1 та ўрин)

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2-уй. Тел. (+998-71) 150-78-25, 214-83-11.

MUASSIS:
TOSHKENT
TIBBIYOT
AKADEMIYASI

MUHARRIR:
TURDIQUL
BOBOMURATOV

TAHRIR HAYATI:
Q.Nizomov (Bosh muharrir o'rinbosari),
O.Hazratov, D.Hidayeva, D.Norgulov,
L.Abdugodirova, D. Xudoyqulov

Gazeta Pentium-IV
kompyuterida sahifalandi va Toshkent
Tibbiyot akademiyasi RISOGRAFida
400 nusxada chop etildi.
Manzilimiz:
Toshkent shahri, Farobiy
ko'chasi, 2-uy
Nashr uchun ma'sul
Q. Nizomov

Gazeta Toshkent Matbuot va axborot
boshqarmasida 2007-yil 15-yanvarda
02-0049 raqam bilan ro'yxatga olingan

Mualliflar fikri tahririyat nuqati nazaridan farqlanishi
mumkin. Maqolalardagi ma'lumotlar uchun
mualliflar javobgardir



ҚУТЛАЙМИЗ!

Хурматли профессор-ўқитувчилар, кадрли ва азиз устозлар, бўлажак шифокорлар, Сизларни яқинлашиб келаётган Тиббиёт ходимлари куни билан чин кўнгилдан самимий табриклаймиз.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, бу ҳаётни тиббиётсиз тасаввур қилиш қийин. Зеро оқ халат кийган тиббиёт ходими нафақат инсонлар соғлиғини яхшилаш, даволаш ва муҳофазалашда, балки уларга ҳар томонлама мадад беришга, руҳий қўллашга қодир инсонлардир.

Азиз Тиббиёт ходимлари, сизларнинг машаққатли, аммо шарафли меҳнатингизни, касбга садоқатингизни юксак қадрлаймиз.

Билимли, зийрак, зеҳнли, ҳар томонлама ўрнатилган арзийдиган талабаларимизнинг сафи йил сайин ортиб бораётганлиги бизни қувонтиради. Бу дегани, жаннатмакон диёримизда инсон саломатлигига эътибор давлат аҳамиятига молик долзарб вазифа эканлигини яна бир бор тасдиқлайди.

Қадрли устоз, мураббийлар, ёшлар, Сизларни касб байрамнинг билан яна бир бор муборакбод этамиз. Сизларга сиҳат-саломатлик, бахт-саодат, оилавий тинчлик-хотиржамлик, хонадонларингизга файзу фароғат, қувончу шодлик тилаймиз. Илмий ва ижодий фаолиятингизда, ўқишларингизда улкан зафар ва омад ёр бўлсин!

РЕКТОРАТ

Янги қонун кучга кирди

ЁШЛАР – КЕЛАЖАГИМИЗ

Бугун мамлакатимиз аҳолиснинг 60 фоиздан зиёдини ёшлар ташкил этади.

Шунинг учун ҳам мамлакатимизда амалга оширилаётган барча ижобий ўзгаришлар замирида баркамол, жисмонан соғлом, ақлан етук, замонавий билимлар ва касб-хунарларни эгаллаган, мустақил ва ижодий фикрлашга қодир, интеллектуал салоҳияти юксак ёш авлод тўғрисида гамхўрлик қилишдек устувор мақсад мужассам.


Мамлакатимизда амалга оширилаётган ёшлар сиёсати мустақкам ҳуқуқий асосга эга. У Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва кўплаб қонунларда ўз ифодасини топган. Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи Шавкат Мирзиёев томонидан 2016 йил 14 сентябрда имзоланган "Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида"ги қонун мазкур йўналишдаги ишларни янги босқичга кўтаради. Мазкур ҳужжат ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, фаоллигини ошириш, ижодий ва интеллектуал салоҳиятини юзага чиқариш, мафқуравий таҳдидларга қарши иммунитетини мустаҳкамлаш, бандлигини таъминлаш борасидаги ишларни янада кучайтиради.

Янги қонун ёш авлод манфаатларини таъминлаш борасида олиб борилаётган ишлар кўламини янада кенгайтиришга хизмат қилиши, давлат томонидан ёшларни қўллаб-қувватлашнинг механизмлари мустаҳкамлаб қўйилгани ҳамда уларнинг бой ўтмишимиз, анъаналаримизни мукамал билладиган, ёт ғояларга қарши тура оладиган, оммавий маданият, диний экстремизм, терроризм, одам савдоси, гиёҳвандлик кўринишидаги таҳдидларга қарши кураша оладиган бўлиб улғайишида муҳим аҳамиятга эга эканлиги қайд этилди.

– "Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида"ги қонуннинг қабул қилингани давлатимизнинг ёшларга юксак эътибори намунаси деб биламиз, – дейди ТТА талабаси Х.Назаров. – Ушбу ҳужжатда ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари тўлиқ, ишончли асосда мустаҳкамланганлиги бизни руҳлантирди.



Маданият ойнаси — тилдир.



Тил миллатнинг энг улугъ бойлиги бўлиб, бутун бир тарихни, буюк ўтмишдошларнинг авлодлари учун қолдирган маънавий мерослари яратилган даврини, ҳатто муаллифнинг умргузаронлик қилган макони ва замонасини англаш имконини беради. Буни қозоқ шоири ва олими Ўлжас Сулаймонов ўзининг “Осиё” китобида “Игорь жангномаси” асарининг таҳлили воситасида исботлаб берди. Шундай экан илдизи олис мозийга тақалган тилимизнинг энг олижаноб касблардан бири бўлган табобат билан уйғунлиги қай даражада?

Буюк бобокалонимиз Мир Алишер Навоий асарларидан бирида:

*Инсонни сўз айлади жудо ҳайвондин,
Билки гуҳари шарифроқ йўқ ондин*
деган. Ҳазал мулкининг султони ушбу мисралари билан инсонни ҳайвондан фарқ қилдирувчи аломатлар орасида тафаккур, шуур, онг улкан аҳамиятга эга, агар инсон улاردан маҳрум бўлиб қолса, ҳайвондан унчалик ҳам фарқи бўлмай қолади демоқчи. Табобат нуқтаи назари билан қаралса, сўз академик И. Павлов таълимотидаги иккинчи сигнал тизимининг ўзгинасидир. Маълумки, ҳар қандай ҳайвондан фарқли равишда инсон миясининг пўстлоғи жуда кучли тараққий қилган, бу саноксиз эгатчалар ва пуштачаларда олий асаб фаолиятимизни идора этувчи 52 та майдон жойлашган, улар ўз кашшофининг номи билан Бродман майдончалари деб юритилади. Бош миянинг тепа соҳасида ҳаракат ва сезги майдонлари жойлашган бўлиб, улардан олдда, яъни пешона қисмида нутқ, хотира, фикрлаш, ёзиш марказлари жойлашган. Айнан, ўша нутқ маркази бизнинг гўзал ва латиф сўзларимиз, жозибали муомаламизни таъминлаб беради. Бу маркази шикастланган, бирор бир йирингли – яллиғланишли хасталик оқибатида зарарланган, ёхуд гиёҳвандлик, ичкиликбозлик, кашандалик, токсикоманлик оқибатида таназзулга юз тутган одамларда нутқ жозибаси йўқолади, гаплари тутуруқсиз, пала-партиш, томдан тараша тушгандек бўлиб, бундай кимсалар борган сайин тубанлашиб, ҳайвонларга яқинлашиб бораверади.

Яна ҳазрат Навоийга қулоқ тутайлик: *Олдига келганни емоқ ҳайвоннинг иши,
Огъига келганни демоқ нодоннинг иши* мисраларини асаб тизими фаолияти орқали шарҳлаш мумкинми?
Рухшунос ва асабшунос олимларнинг тадқиқотларига кўра олий асаб фаолиятимизни, ихтиёрий ҳаракатларимизни идора этувчи мия пўстлоғининг ичкарисида, инстинктив, яъни моҳият жиҳатидан анча тубан бўлган ғайри-ихтиёрий фа-

олиятимизни идора этувчи марказлар мавжуд. Улар вегетатив асаб тизимининг ўзаклари бўлиб, айнан ҳайвонларники билан бир хил фаолият юритади. Оралик мянга мансуб бўлган таламус ва гипоталамус соҳаларида шундай ўзакларнинг 38 таси жойлашган. Соғлом одамларда мия пўстлоғи ҳамма вақт бу тубан мар-

ТИЛ ВА ТАБОБАТ

казларни назорат қилиб, тергаб туради, уларнинг ўзбошимчалик қилишларига йўл қўймайди. Мия пўстлоғи назорат қилиш фаолиятини йўқотдим, худо урди, деяверинг. Ички аъзолар, шу жумладан юрак, меъда, ичак фаолиятини идора этувчи, қаҳр-ғазаб, тушқунлик, жинсий майл-истак, очиқиш ва тўйиш, тажовузкорлик, рашқ-ҳасад, шодлик ва қувноқлик марказлари ҳисобланган бу ўзаклар энди Сулаймон ўлиб, девлар қутулгани каби вужуд ва руҳиятимизни ўзларича идора эта бошлайдилар. Қисқаси, вужуд давлатида тўнтарин юз бериб, инсон шахс сифатида инқирозга учрайди. Энди одам еб тўймайдиган, жинсий майл-истакларини идора этолмайдиган, қаҳр-ғазабини тизгинлай олмайдиган, бирор-бир жиддий сабабларсиз тушқунлик ёки шодликка берилувчан бўлиб қолади. Тиббиёт амалиётида бош мия жароҳатидан кейин тўйиш ҳиссини йўқотиб, ҳаддан ташқари семмириб кетган, менингит ёки энцефалитдан кейин жинсий хоҳиши зўрайиб, ҳад билмай қолган одамлар учраб туради. Агар бундай шахслар жамият ва инсониятга зид бирор бир хатти-ҳаракатни содир этиб қўйса, махсус суд-тиббий экспертизадан ўтказилиб, мия пўстлоғи фаолияти текширилади. Агар пўстлоқ назорати йўқолган деб хулосага келинадиган бўлса, улар жиноий жавобгарликка тортилмайдилар, балки руҳий хаста сифатида махсус даволаш муассасаларига мажбуран даволаниш

учун ётқизиладилар. Аллома шоир беш юз йиллик вақт пардаси ортида туриб, мана шу нарсаларга ишора қилаяпти.

Авлодни ақлий, жисмоний, руҳий ва жинсий жиҳатдан баркамол қилиб воёга етказиш инсониятнинг азалий орзуи бўлиб келган. Авесто, Аюрведа, Қобуснома каби турли халқларнинг ҳар хил макон ва замонларда яратган ва авлодларга қолдирган меросларида ҳам авлодларнинг камолоти хусусида алоҳида боблар ажратилган. Шу билан бирга ислом дунёси бу муаммолар ечимини фан даражасига қўтарган. Қуръони карим, ҳадиси шарифларда, буюк мутафаккирлар ва валиуллоҳларимиздан шайх Азизиддин ибн Муҳаммад ан-Насафийнинг “Зубдат ул –ҳақойиқ”, “Мақсади ақсо”, “Инсонни комил” асарларида комил инсонни сифат ва сийратлари ҳайратангиз аниқлик билан кўрсатиб ўтилган.

Шифокор келажак авлодни ҳар томонлама комил қилиб тарбиялашда жамиятнинг энг масъул ходимларидан ҳисобланади. Бемор шифокор учун энг кадрдон, энг яқин кишиларига айланади қолиши зарур. Шифокорнинг бемор қон-қардошлари билан муомала маданияти ҳам юксак бўлиши лозим. Шифокор тиббиётнинг қайси жабҳасида фаолият кўрсатмасин, ўз бурчида содиқ бўлиши, беморларга, жабрланганларга холис ёрдам кўрсатиши, шифокор сир-асрорини сақлай билиши, ўзининг билим ва маҳоратларини тўхтовсиз ошириб бориши лозим. Шифокорнинг мулоқот маданияти унинг юксак маънавиятидан дарак беради. Шифокор баайни ўқитувчи ва тарбиячилар каби ўзининг барча хислат ва хусусиятлари билан беморлар, уларнинг қариндош-уруғлари олдида намуна бўлиши лозим. Ўзи тамаки чекувчи, спиртли ичимликлар истеъмол қилувчи, кийим-кечаги ва ташқи кўринишига эътибор бермовчи, ўта семириб ёки озиб, ранги заҳиллашиб қолган рамақижон шифокор қандай қилиб миждозларига намуна бўла олади?

Фан-техника тараққиёти замонасида тиббиёт фани ҳам янги текшириш ва даволаш усуллари билан бойиб бормоқда. Аммо, даво – диагностика асбоб -усқуналар ҳеч қачон шифокорнинг тўлиқ ўрнини эгаллаб олмаслиги лозим. Шифокор ҳамма вақт ўзининг тирик мулоқоти ва муомала маданияти билан бемор ва техника орасининг кўприги бўлиб туриши ва миждознинг ёши, жинси, эътиқоди, эътимоди, темпераментидан қатъий назар уларнинг қалбига йўл топа олиши шарт. Тилни яхши эгаллаган, мулоқот маданиятидан бохабар шифокорлар ҳар қандай беморнинг кўнглига кириб бора оладилар.

Алижон ЗОҲИДИЙ,
Ўзбекистон Республикаси
Ёзувчилар уюشمаси аъзоси, тиббиёт
фанлари номзоди, Халқ табобати
академияси академиги

ЎЗБЕКИСТОНДА ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги фаолиятининг янада такомиллаштирилишини таъминлаш ҳамда олий таълим соҳасини ривожлантириш бугунги куннинг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади. Ҳозирги кунда талабаларга чуқур ва кенг қамровли билим бериш ҳамда касб-ҳунарга ўргатишнинг самарали усуллари таълим режасида белгиланган асосий ва мустақил машғулотлар ва ўқув машғулотларидан бўш вақтларини режали ташкил этиш имкониятларини кенгайтиради. Ушбу усул таълимнинг сифат ва самарадорлигини янада оширишга хизмат қилиши учун уни замонавий билимларга таянган ҳолда намунавий дастур ва технологиялар асосида жорий этиш зарурдир.

Шу йилнинг 2016 йил 23 сентябрь кунда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 323-сонли қарори асосида, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан 27 сентябрдаги 404-сонли буйруғи олий таълим тизимида замонавий таълим технологияларини қўллаш ва ривожлантириш тўғрисида, кадрлар тайёрлаш ва олий таълим муассасаларининг ташкилий методикасини таъминлаш, маънавий, ахлоқий тарбияни янада жадал тарзда олиб бориш, янги дастурлар ва ўқув адабиётларини жорий этиш, назорат қилиш ҳамда илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш ва такомиллаштириш, ўқув жараёнига ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш, таълим муассасаларида электрон таълим тизимида катта эътибор қаратиш, бу эса ҳозирги вақтда олий ўқув юртларида давр талабига жавоб берадиган ёш мутахассисларнинг назарий билимларини бойитиш билан бирга айни вақтда буюк инсоний фазилятларга эга бўлган, муомалага кириша оладиган, ўз ишини пухта эгаллаган моҳир мутахассислар этиб тайёрлашга катта эътибор қаратилган. Бу қарор ҳозирги даврнинг талаби бўлиб бўлажак кадрларни юксак педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат кўникмаларини янада бойитишга қаратилган қарор ҳисобланади.

Ш.ИСКАНДАРОВ,
ижтимоий фанлар кафедраси ўқитувчиси

Юрт тинчлиги – мамлакат барқарор тараққиётининг асосий шarti





Юрт тинчлиги – Ватан озодлиги ва мустақиллиги билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, мамлакат барқарор тараққиётининг асосий шartiдир. Тинчлик – инсоннинг ҳаётий эҳтиёжи, эмин-эркин яшаши ва камол топишининг энг зарурий омилдир. Истиқлол берган неъматларни асраб-авайлаш, қолаверса ижобий ривожлантиришда аҳолимиз, айниқса ёшларга демократик онг ва қадриятларни олиб кириш, уларнинг маънавиятини юксалтириш даврнинг муҳим масаласи эканлигини инобатга олиб, нафақат тарғибот-ташвиқот ишларида, балки ўқитиш тизимида ҳам мустақиллик ва тинчлик, огоҳлик ҳамда фаровонлиқнинг маъно-мазмунини чуқур англаш, истиқлол шунчаки қўлга киритилган неъмат эмас, балки неча йиллик курашлар натижаси эканлигини етказиш ўз аҳамиятини йўқотмайдиган асосий жараёнлардир.

Бугун халқимиз истиқлол туфайли ўз эрки ва дунёқарашига эга бўлди, мустақилликнинг дастлабки йилларидаги қийинчиликларни ўз меҳнати ва сабр-матонати билан енгган халқдир. “Биз тинчлик ва осойишталикни, озодлик ва адолатни юксак қадрлайдиган, тарихнинг барча оғир синовларидан мардона ўтиб, ҳамиша мағрур бўлиб яшашга ўрганган халқимиз” деган эди Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.Каримов. Мамлакатимизнинг кўп миллатли аҳолиси огоҳликка даъват этиш ва тинчликни сақлаш борасидаги саъй-ҳаракатларга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келмоқда.

Қонунларга итоат этилган жойда фаровонлик ва тартиб-интизом юқори даражада бўлиши шубҳасиз. Бу борада ҳам юртимиз намуна бўлиб келаятган мамлакатлар сирасига кириди. АҚШнинг Гэллап институти деб ном олган ижтимоий фикрни ўрганиш маркази томонидан “Қонуний тартибларга итоат қилиш индекси” деган мавзуда 2015 йилда ўтказилган ва эълон қилинган тадқиқот материалларига кўра мамлакатимиз 141 та давлат орасида фахрли 2-ўринни эгаллади. Биз том маънода бу билан фахрланамиз.

Юксак маънавият, маданият, миллатнинг ғоявий ва мафкуравий етуклиги – юрт тинчлигини сақлашнинг муҳим шartiдир. 2010 йил 20 сентябрда Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.Каримов БМТ Бош Ассамблеясининг Мингйиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган саммитида Марказий Осиё минтақасида тинчликни сақлашга доир қатор таклифларни киритди ва бу таклифлар иштирок этган мамлакатлар томонидан қўллаб-қувватланди. Жумладан, 6+2 мулоқот гуруҳини 6+3 мулоқот гуруҳига айлантириш ғояси ва бошқалар. Дарҳақиқат, Ўзбекистон дунё мамлакатлари тинчлигини сақлашда ҳам ўрнатилган ва ўрнатилган кўрсаткичларга юртдир. Шу юртни асраш, бунёдкорлик ишларини самарасини бекаму кўст авлодларга етказиш инсонийлик бурчимиздир. Зеро, шу азиз Ватан барчамизники.

Нилуфар НИЁЗОВА,
ижтимоий фанлар кафедраси доценти, ф.ф.н.





“БИЗ ИБН СИНО ИЗДОШЛАРИМИЗ”

Пойтахтимиздаги “Туркистон” саройида Тошкент Тиббиёт академиясига 2016-2017 ўқув йилида ўқишга қабул қилинган талабаларнинг “Биз Ибн Сино издошларимиз” номли “Талабаликка бағишлов” тантанали қасамёди ўтказилди.

Таъкидлаш жоизки ҳар йили анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган маданий-маърифий тадбирда академиянинг профессор-ўқитувчилари, тиббиёт ходимлари, жамоат ташкилотлари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари ҳамда ота-оналар иштирок этдилар.

Тадбир аввалида “Туркистон” саройининг фойесига Тошкент Тиббиёт академияси ҳаётини акс эттирувчи стендлар, Академия талабалари ижодига мансуб соғлом турмуш тарзини тарғиб этувчи, гиёҳвандлик, кашандаликнинг салбий таъсирини ўзида акс эттирган расмлар ва баннерлар кўргазмаси ташкил этилди.

Тадбирда Тошкент Тиббиёт академияси ректори Шавкат Каримов ва бошқалар сўзга чиқиб, биринчи босқичга қабул қилинган талабаларни табриклаб, масъулиятли касб эгалари бўлиши учун тинмай ўқиш, изланиш лозимлигини таъкидлаб ўтишди.

Бугун бу ёшлар қалбида ҳаяжон, нигоҳида эса қувончни кўрасиз. Академия раҳбарияти ушбу қувончли лаҳзалар талабалар ҳаётида унутилмас бир тарихий санага айланишини назарда тутиб, мазкур тадбирни тантанали равишда ўтказишди. Ҳар бир талаба мустақил Ватан тақдири билан ўз тақдирини боғлашга, бутун фаолиятларини она диёрга ва унинг буюк келажагига бахшида этишга, инсоният тафаккури камолига улкан ҳисса қўшган аجدодларимиз меросини чуқур ўрганишга, улар ёққан чироқларни янада мунаввар этишга қасамёд қилди.

— Биз юртимизнинг бахтли фарзандларимиз, — дейди кимё фанидан ўтказилган Республика олимпиадасининг 1-ўрин соҳибиди, даволаш факультети талабаси Муҳаммаджон Масеяев. — Сабаби гўзал диёримизда биз, ёшлар учун кенг имкониятлар эшиги очилган. Спорт мусобақалари, фан олим-

пиадлари ўтказилиши, бир қатор давлат мукофотларининг таъсис этилиши фикримнинг ёрқин далилидир. Бу йил мен учун омадли йил бўлди. Юртимиздаги энг нуфузли олий ўқув юртидан бири бўлмиш Тошкент Тиббиёт академияси талабасига айландим. Буни орзуларим сари ташланган менинг илк қадамим деб биламан. Ватаним, устозларим, ота-онам олдида менга юклатилган масъулиятни оқлашга, янада кўпроқ ўқиб, изланишга ҳаракат қилишга ваъда бераман.

Тадбир давомида Академиянинг биринчи курсига қабул қилинган талабалар ўзбек, инг-лиз ва рус тилларида қасамёд қилишди. Тадбир давомида Академиянинг иқтидорли талабалари, жумладан, тиббий профилактика факультети талабалари Шаҳзод Жўраевнинг “Аввал келинг, кўринг Ўзбекистонни”, Шоҳрух Мусаямов томонидан инглиз тилида “Beautiful”, Санжар Абдулхасов “Эслаганмисан” кўшиқлари, олий маълумотли ҳамшира факультетининг иқтидорли қизларининг “Кабутарлар” рақси, ТТА қошидаги ҳарбий тиббиёт факультети курсантларининг саф қўшиғи йиғилганлар эътиборига тақдим этилди.

**Қутбиддин НИЗОМОВ,
“Тиббиётнома” махсус мухбири**

ЮКСАК МУКОФОТГА САЗОВОР УСТОЗ

Тақдир танловларда яралади, дейишади. Ҳақиқатдан ҳам инсон нимани чин дилдан истаса ва унга астойдил меҳр қўйса, албатта у ўша истакка эришади. Ўринхўжа ака ва Каримахон опанинг тўнғич қизи Раъно болалигидан ўқитувчилик касбига меҳри бўлакча эди. Шунинг учунми, у китоб, газета ва журналларни болаларча мутолаа қиларди, ўқиган нарсаларини синглиси ва укасига тушунтиришга уринарди.

Йиллар ўтди. Раънонинг қалбидаги ўқитувчилик касбига бўлган меҳр-муҳаббати уни Тошкент Давлат университетининг кимё факультети талабаси бўлишга ундади. Университетда ўқиши мобайнида устозларидан олган билим ва маҳорати келажақда ҳаёт йўлларида асқотишини билган Раъно бор қобилиятини ишга солиб, билим олиб университетни тамомлади.

Болалигидаги устоз бўлиш орзулари Оққўрғон туманидаги лицей-интернатда рўёбга чиқди. Бор маҳоратини ишга солиб иш фаолиятини олиб борган устоз соҳа ходимлари ва ўқувчилар орасида Раъно Жўраева бўлиб танилди ва хурмат қозонди.

У 2006 йилдан бошлаб аввал Тошкент педиатрия тиббиёт институти қошидаги Юнусов тумани академик лицейининг кимё фани ўқитувчиси, сўнгра Тошкент Тиббиёт академияси қошидаги академик лицейининг кимё фани бош ўқитувчиси сифатида фаолият юритди. Шу йиллардаги фаолият давомида устоз изланишда, ҳаракатда бўлиб турли мамлакатлардан келган педагоглар олдида ўзбек мутахассисларининг маҳорати юқори даражада эканигини кўрсата олди. Чунончи, Раъно Жўраева самарали меҳнати ва Халқаро олимпиададаги фаол иштироки учун Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг “Халқ таълими аълочили” кўкрак нишони, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг “Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш аълочили” кўкрак нишони, Ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармаси ва 42, 45, 46, 47 – Халқаро Менделеев Олимпиадаси ташкилотчилари томонидан берилган “Фахрий ёрликлар” билан тақдирланди. У ёшларга билим бериш билан биргаликда ўз илмий салоҳиятини ошириш борасида ҳам кўп ишлар қилиб келмоқда. Ҳозирги кунда “Кимё. Мураккаб масалалар ечиш усуллари” ва “Анорганик кимё: асосий тушунчалар” каби ўқув қўлланмаларини ёзди.

Раъно Жўраева 2008 йилдан буён кимё фани бўйича Ўзбекистон олимпиада терма жамоасини шакллантириш ва Халқаро олимпиадаларга тайёрлаш жараёнида фаол иштирок этмоқда. Ушбу фаолият натижасида бир қатор шогирдлари, жумладан:

2008 йил 28 апрель – 4 май кунлари мамлакатимиз пойтахти Тошкент шаҳрида Ўзбекистон республикаси ташаббуси билан ўтказилган 42 – Халқаро Менделеев олимпиадасида 2-курс ўқувчиси Равшан Мирзаев “Кумуш медаль” соҳибиди бўлди.

2010 йил 3-курс ўқувчиси Комила Раимова шаҳар олимпиадасида I ўринни эгаллади ҳамда Озарбайжон пойтахти Боку шаҳрида кимё фанидан ўтказилган 44 – Халқаро Менделеев олимпиадасида қатнашиб, V ўринни эгаллаб қайтди.

2011 йилда Тошкент шаҳрида ўтказилган кимё фани олимпиадасининг шаҳар босқичида 2-курс ўқувчиси Нодир Баҳодиров ва Шоҳбоз Убайдуллаев фахрли II ўринни эгаллашди.

2011 йил Москва шаҳрида ўтказилган 45 – Халқаро Менделеев олимпиадасида Р.Жўраевнинг шогирдлари, лицей 2-курс ўқувчиси Ҳамидулла Тўхтаев “Бронза медаль”га, 3-курс ўқувчиси Шоҳбоз Убайдуллаев эса IV ўринга сазовор бўлди.

2011 йил Москва шаҳрида ўтказилган 45 – Халқаро Менделеев олимпиадасида Ўзбекистон терма жамоасининг раҳбари сифатида қатнашди ва Халқаро олимпиада ҳайъати томонидан терма жамоанинг ҳар йилгидан кўра юқори кўрсаткичлари учун диплом билан тақдирланди.

2012 йилда шаҳар босқичида кимё фанидан ўтказилган олимпиадада 3-курс ўқувчиси Нодир Баҳодиров I ўринни эгаллади.

2012 йил Астана шаҳрида ўтказилган 46 – Халқаро Менделеев олимпиадасида Р.Жўраевнинг шогирдлари, лицей 3-курс ўқувчиси Ҳамидулла Тўхтаев “Олтин медаль”га ҳамда 3-курс ўқувчиси Нодир Баҳодиров эса “Бронза медаль”га, 3-курс ўқувчиси Гўзал Даминова IV ўринга сазовор бўлди.

2013 йил Тошкент шаҳрида ўтказилган 47 – Халқаро Менделеев олимпиадасида Р.Жўраевнинг шогирдлари, лицей 3-курс ўқувчиси Билолидин Шарофиддинов “Олтин медаль”га, 3-курс ўқувчиси Камола Носирова эса “Кумуш медаль”га, 2-курс ўқувчиси Дилдора Рихсиева “Кумуш медаль”га сазовор бўлдилар.

2013 йил Тошкент шаҳрида ўтказилган 47 – Халқаро Менделеев олимпиадасида Ўзбекистон терма жамоасининг раҳбари сифатида қатнашди ва раҳбарлик қилган ўқувчилар жамоаси 15 та медалга сазовор бўлди.



Шунинг учун Раъно Жўраева Халқаро олимпиада ҳайъати томонидан терма жамоанинг ҳар йилгидан кўра юқори кўрсаткичлари учун диплом билан тақдирланди.

2015 йил шаҳар босқичида кимё фанидан ўтказилган олимпиадада 3-курс ўқувчиси Шоҳрух Шоанваров I ўринни, 2-курс ўқувчиси Фаррух Лутфуллаев I ўринни эгаллади.

2015 йил Ереван шаҳрида ўтказилган 49 – Халқаро Менделеев олимпиадасида Р.Жўраевнинг шогирдлари, Тошкент Тиббиёт академияси қошидаги академик лицей 3-курс ўқувчиси Шоҳрух Шоанваров “Бронза медаль”га ҳамда 2-курс ўқувчиси Фаррух Лутфуллаев эса “Кумуш медаль”га сазовор бўлди.

Шу билан бирга, 2015 йил декабрь ойда XIII Халқаро масофавий “Интер-ХимикЮниор-2015” олимпиадасида Раъно Жўраевнинг 2-курс ўқувчиси Шоқодир Шоанваров ва 3-курс ўқувчиси Сухайл Абдурахимовлар Д.И.Менделеев номидаги Россия кимё-технология университети ректорати томонидан фахрий 3-даражали диплом билан тақдирланганди.




2016 йил шаҳар босқичида кимё фанидан ўтказилган олимпиадада 3-курс ўқувчиси Фирдавс Азимкулов II ўринни, 2-курс ўқувчиси Чарос Омонова I ўринни эгаллади.

2016 йил Москва шаҳрида ўтказилган 50 – Халқаро Менделеев олимпиадасида ҳам Раъно Жўраевнинг шогирди, ТТА қошидаги академик лицей 3-курс ўқувчиси Чарос Омонова “Бронза медаль”и ҳамда Грузия пойтахти Тбилиси шаҳрида ўтказилган 48 – Бутунжаҳон халқаро олимпиадасида “Бронза медаль”ига сазовор бўлди.

Раъно Жўраева талабаларга кимё фанини чуқур ўргатишнинг замонавий интерфаол ва масофали ўқитиши натижасида шундай ютуқларга эришганлиги сабабли, ўқувчиларни ўз фарзандидек тарбиялаб, уларнинг келажаги ҳақида қайғурадиган устознинг кўп йиллик меҳнатлари ҳуқуматимиз томонидан эътироф этилиб, юксак мукофот – “Дўстлик” ордени билан тақдирланди.

Юксак мукофотга сазовор бўлган устоз олдинги йилларга нисбатан янада самаралироқ ишлашга бел боғлаган ва ўз олдига Ватанимиз келажаги, халқимизнинг эртанги кунини, ўқувчиларнинг униб-усиб, улгайиб камолга етишларида меҳнатини аямаслигини ва билиминини янада кўпроқ етказишни мақсад қилиб қўйган. Бир сўз билан айтганда, бугун Раъно Жўраева шогирдлари, ўқувчилари Ватанимиз фаровонлиги, гуллаб-яшнаши йўлида етук мутахассис бўла олишларида ишонади. Шунинг учун ҳам педагогнинг бахти оиласининг тўқислиги, тинчлик-хотиржамлиги ҳамда шогирдларнинг ютуқлари ҳисобланади.

**А.ШЕРМУРАТОВ,
Тошкент Тиббиёт академияси қошидаги академик лицей директори
Х.РУСТАМОВА,
Тошкент Тиббиёт академияси қошидаги академик лицей
кимё ўқитувчиси**



ТИЛГА ЭЪТИБОР – ЭЛГА ЭЪТИБОР

1989 йилнинг 21 октябрида республикамиз Биринчи Президенти Ислон Каримовнинг бемисл шижоати ва жасорати билан “Давлат тили ҳақида”ги Қонуннинг қабул қилиниши истиқлол йўлида қўйилган илк амалий қадамлардан бири бўлди ҳамда ўзбек тили давлат тили бўлиши лозимлигини асослаб берди.

Ўзбек тилига Давлат тили мақомини берган Қонун қабул қилинганига йигирма етти йил бўлди. Албатта, бу тарих учун жуда қисқа фурсат. Аммо шу қисқа вақт ичида она тилимизнинг софлигини сақлаш, мавқеини юксалтириш йўлида улкан ишлар амалга оширилди. Мамлакатимизда ўзбек тили эркин қўлланмайдиган бирорта соҳа йўқ. Ўзбек тили ўзининг кенг имкониятини халқаро муносабатларда, энг мураккаб фан соҳаларида тўлиқ намоён қилмоқда. Бугунги кунда давлат аҳамиятига молик йирик учрашувлар, халқаро анжуманлар, тадбирлар, нуфузли спорт мусобақаларида ўзбек тили фаол қўлланилмоқда. Она тилимизнинг илғор ахборот-коммуникация технологиялари, замонавий илм-фаннинг барча йўналишлари, иқтисодиёт, тиббиёт, банк-молия тизимида кенг ишлатилаётгани унинг имкониятлари нечоғли юқори эканидан далолатдир. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, барча ташкилот ва муассасаларда иш юритиш ўзбек тилида олиб борилаётгани она тилимизнинг тикланган, юксалган мақомининг амалдаги ифодасидир. Ўзбек тили шу кунларда ҳаётимизнинг маъно-мазмуни, халқимизнинг

эзгу интилишлари, беғубор орзулари, ёруғ мақсад-муддаолари, истиқболи билан ҳамоҳанг, десак янглишмаймиз.

Ўтган давр мобайнида қўлга киритилган яна бир улкан ютуғимиз – жамиятимиз барча аъзоларининг тилга эътибор – элга эътибор эканини теран англай бошлаганидир. Тилнинг ривожини таъминлаш, аввало, жамиятда шундай тушунчаларнинг барқарорлигига, тил эгаларининг бебаҳо бойликка ҳурмат-эътиромга боғлиқ. Ўзбек тили таълими мазмунининг тубдан ислоҳ қилингани, шунга мувофиқ янги дарсликлар яратилгани, уларнинг нашрдан-нашрга тўлдирилган ва такомиллаштирилган ҳолда чоп этилаётгани ёш авлоднинг тил тарбиясида муҳим аҳамият касб этмоқда. “Давлат тили ҳақидаги”ги Қонун ижросини таъминлашга қаратилган Давлат дастури асосида яратилган 5 жилдда “Ўзбек тилининг изоҳли лугати” маданий ҳаётимиздаги муҳим воқеа бўлганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Унда тилимиз сўз бойлигининг бугунги ҳолати ҳолис ва аниқ акс эттирилган.

Ёш авлодда она тилига ҳурмат ва эътиром туйғуларини кучайтириш, уларда гўзал сўз сезгисини тарбиялаш ғоят

муҳим ва ўта масъулиятли вазифадир. Бу фарзандларимизда миллий ўзликни англаш, Ватанга муҳаббат, унинг тақдири учун дахлдорлик, фидойилик туйғуларини мустаҳкамлаш, қарор топтиришнинг асосий омилларидан биридир. Тошкент Тиббиёт академиясининг профессор-ўқитувчилари ўзбек тилини ривожлантириш, уни асраб-авайлаш, хоҳиятини тарғиб этишдек масъулиятли жараёнга ўзининг фаол жиссасини қўшиб келмоқда. Ўқув ва меҳнат жамоаларидаги учрашувлар, маънавий-маърифий тадбирлар, анжуманлар, давра суҳбатларида тилимиз тараққиёти бобидаги фикр-мулоҳазалари билан иштирок этмоқда. Тошкент Тиббиёт академияси талабалар жамоаси ҳам мамлакатимиз таълим масканларида ўтказилаётган турли хил тадбирларида фаол қатнашиб келмоқда. Яқинда “Устоз ва мураббийлар куни” муносабати билан ўтказилган тадбирда, талабалар ўзларининг яратган шеърлари ва ўзбек тилининг жозибаси, гўзаллиги, бойлиги ва бетакорлиги орқали профессор-ўқитувчиларимизни чин қалбларидан табриклашди.

Акмал АСЛОНОВ,
тиллар кафедраси катта ўқитувчиси, ф.ф.н

ОНА ТИЛИМ ЖОНУ ДИЛИМ

Жамики эзгу фазилатлар инсон қалбига, аввало, она алласи, она тилининг бетакрор жозибаси билан сингади. Она тили – бу миллатнинг руҳидир.

И.Каримов

Инсоният пайдо бўлибдики ўз фикри, дунёқараши, ўз ҳис-туйғу ва кечинмаларини тил орқали ифода этади. Инсон дунёга келар экан ҳақиқий инсон бўлиб етишиши учун ўзига керакли билимини, аввало ўз она тилиси орқали англайди.

Дунёда 3000 дан ортиқ тил оилалари мавжуд. Ҳар бир халқ учун ўзининг муқаддас она тилиси қадридир. Инсон ўз она тилисида ғурурни, шижоатни, ифтихорни ҳис этади. Она алласи билан одамзод қон-қонига синган она тили унинг камолоти бешиги ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг “Давлат тили ҳақида”ги Қонун 1989 йил 21 октябрда қабул қилинди. Шу даврдан бошлаб асрлар давомида сайқалланган она тилимиз янги даврга қадам қўйди.

Мустақиллик шарофати билан ўзбек тили – давлат тилига эътибор кучайди, она тилимизнинг ижтимоий мавқеи кенгайди. Ўзбек тилининг тараққиёти ва истиқболи тўғрисида бир қанча қарорлар қабул қилинди. Буларнинг барчаси асрлар давомида сайқалланган “Девону луғатит турк”, “Қутадуғ билиг”, “Ҳиббатул Ҳақойиқ”, “Девони ҳикмат” каби ўлмас

асарлар орқали яралган, шаклланган муқаддас тилимизга бўлган эътиромдир.

Дарҳақиқат, миллат учун, унинг тили, номуси учун кимдир қалқон билан, яна кимдир қалам билан жанг қилади. Ана ўша қалқондан сизиб чиқаётган фикр бу муқаддас тилдир. Бу тил учун Алишер Навоий, Заҳриддин Муҳаммад Бобур, Гулҳанӣ, Қодирӣ, Чўлпон сингари буюклар захматлар чеқдилар.

Мустақиллик бизга миллий тил бўлмиш она тилимиз – ўзбек тилини тортиқ этди. Зеро бу йўлда Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислон Абдуғаниевич Каримовнинг хизматлари беқиёсдир.

Бу борада 2016 йилда бунёд этилган Алишер Навоий номли ўзбек тили ва адабиёти институтининг ташкил топиши фикримиз исботидир.

Давлат тилини ўрганиш, унга амал қилиш, ўзбек тилида тўғри, ифодали сўзлаш ва ёзиш, она тилимизнинг софлиги ва бойлиги тўғрисида фикрлаш, тил имкониятларидан ўринли фойдаланиш, унинг истезмол доирасини кенгайтириб бориш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир.

М.ЗУБАЙДУЛЛАЕВА,
З.ШОАЛИМОВА

ИҚТИДОРЛИ ЁШЛАРНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ, ИЖОДИЙ ВА ИНТЕЛЛЕКТУАЛ САЛОҲИЯТИНИ РЎЁБГА ЧИҚАРИШГА ҚАРАТИЛГАН ИШЛАРНИ ТИЗИМЛИ ЙўЛГА ҚўЙИШ

Ш.БОЙМУРАДОВ,
ТТА илмий ишлар бўйича проректори

Маълумки, давлатнинг иқтисодий-ижтимоий юксалиш топишида, ундаги фуқаролар билим салоҳиятининг етуклиги, кўзланган мақсад сари илдам қадам боса олиши, қолаверса ватанпарварлик ҳисси юқори бўлиши муҳим аҳамият касб этади. Бу борада Биринчи Президентимиз И.Каримовнинг “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида” деб номланган асаридида қуйидаги мисралар келтирилган: “Биз олдимизга қандай масалалар қўймайлик, қандай муаммоларни ечишга тўғри келишидан қатъий назар, охир-оқибат буларнинг негизида фақатгина кадрлар ва яна кадрлар муаммоси ётади”.

Шунингдек, юртнинг раванқ топишида келтирилган мисоллар билан бирга ундаги ёшларнинг интеллектуал салоҳиятга эга эканликлари алоҳида ўрин тутди. Айнан ёш олимларнинг илмий-инновацион ғоялар билан камол топиши, мамлакатни ҳар бир соҳасида ривожланиб, тараққиёт сари илдамлашига хизмат қилади. 2016 йил 14 сентябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи Шавкат Мирзиёев “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Қонунга имзо чеқди. Мазкур қонуннинг мақсади ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборатдир.

Ушбу йўналишда Тошкент Тиббиёт академияси иқтидорли талабалар билан ишлаш қуйидаги вазифаларни ўз ичига олади: иқтидорли ёш талабаларни саралаб олиш, кафедраларда талабалар илмий фаолиятини йўлга қўйиш, талабаларнинг илмий мақолалари ва уларнинг натижаларини амалиётга жорий қилиш, талабаларга илмий конференцияларда иштирок этишларига қўмақлашиш, грантлар тақдим этилган конференциялар ҳақида талабаларни ўз вақтида хабардор қилиш, бошқа ўқув юртлари билан алоқаларни мустаҳкамлаш ва кенгайтиришдан иборат.

Ҳозирги кунда, талабалар илмий жамиятида даволаш факультетидан 43 % талабалар, тиббий-педагогика факультетидан 47%, тиббий профилактика факультетидан 39%, ОМХ факультетидан 26% талабалар иштирок этиб келмоқда. Талабалар илмий изланишлари натижалари уларнинг муаллифлиги остида чоп қилинган тезис ва мақолалар сонини олдинги ўқув йилига нисбатан 10% га ошгани (улардан 24% мақолалар чет тилида) ҳам талабаларнинг илмий ишларга бўлган қизиқиши ортиб бораётганидан далолат беради. Чет элда чоп этилган тезис ва мақолалар Германия, Голландия, Италия, Корея ва АҚШ каби ривожланган давлатларда ўтказилган халқаро илмий конференциялар материалларидан жой олган.

Шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, ўтган ўқув йилида бир қанча иқтидорли талабаларимиз Гренингена — UMCG тиббиёт институтида (Голландия) “inflammation as cause of the Parkinson's disease” томонидан таъсис қилинган грантларни қўлга киритиб, ўз малакаларини ошириб қайтишди.

2016 йилда олимпиада ғолиблари: Б.Тўрақулов (даволаш факультетининг 2-босқич талабаси — нормал физиология фанидан ўтказилган Республика олимпиадасида 2-ўрин), Б.Муинжанов (даволаш факультети 6-босқич талабаси Республика олимпиадасида 2-ўрин), А.Муродов (даволаш факультети 7-босқич талабаси хирургия фанидан Республика босқичида 1-ўринни эгаллади); О.Орипов (даволаш факультети 7-босқич талабаси терапия фанидан Республика босқичида 1-ўринни эгаллади), Ж.Қаюмов (даволаш факультети 3-босқич талабаси, фармакология фанидан Республика босқичида 3-ўринни эгаллади). Шунингдек, ТТА талабалари Россия (неврология ихтисослиги) ва Грузия (кимё фани) давлатларида фахрли ўринларни эгаллаб келишмоқда.

Магистратура ва бакалавриатура босқичларида таҳсил олаётган бир қатор талабалар давлат мукофотлари билан тақдирландилар: Б.Шарофиддинов (2-босқич, даволаш факультети) “Шухрат” медали, Б.Эгамов, (магистр, “Умумий хирургия”) “Ўзбекистон кўкрак нишони” медали, Р.Турақулов (магистр, “Кардиология” йўналишида) “Ўзбекистон белгиси кўкрак нишони”, Н.Туймуродова (1-курс, даволаш факультети) ва А.Альмановалар (6-курс, даволаш факультети) “Зулфия” мукофоти.

Хорижий тилларни ўрганишнинг самарадорлигини ошириш мақсадида жорий йилнинг 16 апрель кунидан бошлаб “Deutscher Sprachklub” немис клуби ўз фаолиятини бошлади. Яқин келажакда Тошкент Тиббиёт академияси иқтидорли талабалар билан ишлаш бўлими, қуйидаги ишларни амалга оширишни: иқтидорли талабалар мониторингини яхшилаш, талабаларни илмий изланишга ва инглиз тилини мукамал ўрганишга жалб қилишни кучайтириш, иқтидорли ёшларни чет элда малака ошириш имкониятларини янада кенгайтиришни ўз олдига мақсад қилди.

Яқин келажакда Тошкент Тиббиёт академияси иқтидорли талабалар билан ишлаш бўлими, қуйидаги ишларни амалга оширишни: иқтидорли талабалар мониторингини яхшилаш, талабаларни илмий изланишга ва инглиз тилини мукамал ўрганишга жалб қилишни кучайтириш, иқтидорли ёшларни чет элда малака ошириш имкониятларини янада кенгайтиришни ўз олдига мақсад қилди.

